XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИДА АРТЕЛЛАР: ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, ФАОЛИЯТИ ВА МУАММОЛАР

О.А.Исаев

Мақолада XX асрнинг 20-30-йилларида Сурхон воҳасида ҳунармандчилик артелларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ва Сурхондарё вилояти давлат архиви материаллари асосида ёритилган..

Калит сўзлар: *артель, ҳунармандчилик, косиб, корхона, қишлоқ хўжалиги, округ, қоракўл.*

В статье, основываясь на материалах Центрального государственного архива Республики Узбекистан и государственного архива Сурхандарьинской области, освещена деятельность ремесленнических артелей в Сурханском оазисе в 20-30 е годы XX века.

Ключевые слова: *артель, ремесленничество, кустарь, мастерская, сельское хозяйство, округ, каракуль.*

On the basis of the materials of the Central State Archive of the Republic of Uzbekistan and the State Archive of the Surkhandarya region, the article highlights the activities of handicraft cooperatives in Surkhan oasis in the 20-30 years of the twentieth century.

Key words: *cooperative, handicraft, craftsman, workshop, agriculture, area, scrawl.*

Республика иқтисодиёти 20-30-йилларда ҳам аграр хусусиятига эгалигича қолаётган эди. 1927 йилда Ўзбекистон халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 62,6%, саноатнинг салмоғи 34,4% ни ташкил этар, шу билан бирга саноат ишлаб чиқаришининг 90%и қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга асосланган эди [1.339]. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида воҳада бирорта ҳам саноат корхонаси ташкил этилмади. Маълумки, воҳада дастлабки саноат корхонаси 1910 йилда ака-ука Матчинбоевлар томонидан қурилган пахта тозалаш заводи эди. Фақатгина 1926 йилда Шерободда, 1931 йилда Деновда пахта тозалаш заводи ишга туширилди [2.7].

Шунинг учун совет ҳокимияти халқ талабини қондириб келаётган майда ҳунармандчилик корхоналари фаолияти ривожига алоҳида эътибор қаратишга мажбур бўлди. Совет ҳокимияти ўз мақсадларини кўзлаб Ўзбекистонда ҳунарманд косиблар фолиятини бир тизимга келтиришни режалаштирди. Йирик саноат корхоналари бўлмагани боис аҳолининг саноат махсулотларига бўлган талабини қондириш, иш билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалигига зарур меҳнат қуролларини тайёрлаш зарурати ҳунармандчилик корхоналарини тиклашни долзарб масалага айлангтирди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда 20-йилларда воҳада совет ҳокимияти томонидан ҳунармандчилик артеллари ташкил қилиш тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Биргина 1926 йилнинг ўзида Термиз шаҳрида “Кожевник”, “Хуршид”, “Красные женщины Востока”, “Ленин”, “Красный строитель” [3] номли артеллар ташкил этилиб, ўз иш фаолиятини бошлади. Бу артеллар саноат, қурилиш, транспорт тармоқлари бўйича фаолият юритди. Артеллар нафақат шаҳарларда, балки қишлоқда ҳам ташкил этила бошланди. “Хўшмон” қишлоғидаги гилам тўқишга ихтисослашган ҳунармандчилик артели бунга мисол бўла олади. Асосан гиламчилик билан шуғулланди.

ган мазкур артелда 20 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Ваҳоланки, “Хўшмон” қишлоғида, асосан, туркманлар яшаган, улар азалдан гилам тўқишга ихтисослашгани инобатга олиниб, қишлоқда гиламчилик артелини ташкил этишган, шу билан ҳунармандларни бир жойга тўплаб, яъни жамоа бўлиб ишлашга ўтиш йўлга қўйилган.

Воҳанинг қишлоқ жойларида ҳунармандчилик артелларида асосан қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ҳамда уй-рўзғор буюмлари тайёрланган [4]. Совет ҳокимияти ҳунармандчилик артелларида шогирдлар тайёрлашга ҳам эътибор қарата бошлади. Бундан кўзланган мақсад маҳаллий ҳунармандлар, косибларнинг иш унумини йўққа чиқариб, шогирдларининг артелларда бирлашишини назорат қилиш ҳамда артелларга киришни хоҳламаган ҳунармандлар фаолиятига тўсиқ қўйиш эди.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, ўша давр бошқарув кенгашлари томонидан мавжуд ҳунармандчилик артелларига 18-20 ёшдаги ўқувчилар жалб қилинган. Уларга маълум бир имтиёзлар бериб, қизиқтирилган.

Совет ҳокимияти артеллар сонини купайтириш ва улардан давлат ҳисобига маблағ олиш мақсадида воҳадаги ун тегирмонлар, дон янчадиган ёрма ускуналар ва мойжувозларни рўйхатга олди. Натижада Сурхон воҳаси бўйлаб 1925 йилда 105 та ун тегирмони, 49 та дон янчадиган ёрма ускуналар ҳамда 301 та мойжувоз иш олиб бораётгани аниқланиб, улар хам артелларга бирлаштирилди.

Тадқиқ қилинаётган йилларда аввало хотин-қизларни ишга жалб қилишга эътибор қаратиш зарур деб ҳисобланди. Шу мақсадда округда маиший хизмат кўрсатиш ва тикувчиликка ихтисослашган ҳунармандчилик артеллари барпо этила бошланди. Бунга Термиз шаҳри ва атрофи ҳамда Шеробод туманида артеллар ташкил қилингани мисол бўла олади. Округнинг бошқа туманларида ҳунармандчилик кенгашлари ва қишлоқ хўжалиги кенгашлари тузилиб, уларда ҳунармандчилик артеллари ташкил этиш борасида ишлар олиб борилди [5]. Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб тикиш-бичиш ва кир ювишга ихтисослашган иккита артель ташкил қилингани хотин-қизлар ишсизлигига бир оз бўлса-да барҳам берди. Ушбу маиший хизмат кўрсатиш артеллари Паттакесар туманида очилган. Артелга хотин-қизларнинг савдо-саноат бошқармаси йўлланмаси билан ишга бориши таъкидланган. Тикувчилик артелида битта ҳунарманд ходимга 100 сўм иш ҳақи берилиши режалаштирилди.

1928 йилда ипакчилик, чорвачилик артеллари ҳам ташкил этила бошланди. Биргина чорвадор артелига 709 бош қоракўл қўйлари олиб келинди. Воҳанинг чорвачиликка ихтисослашган артеллари сони ўша даврда 10 тани ташкил қилар эди.

1936 йилга келиб воҳа иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллаган йўл қурилиши соҳасига ҳам эътибор қаратила бошланган. Шу мақсадни амалга ошириш учун Термиз шаҳрида “Бухоро вилояти транспорт иттифоқи”га қарашли “Қизил Туячи” номли транспорт артели фаолият олиб борди. Шунингдек, воҳада мазкур йилда йўл қуриш ишлари олиб бориб, йиллик режани 87,2 км қилиб бажарган [6]. Ушбу артель йўл қуриш билан чекланиб қолмасдан, ҳунармандчилик ишлаб чиқариш корхоналарига тегишли юкларни ташиш билан ҳам машғул бўлган. Ташилган юклар кўпинча давлат буюртмаси тарифи бўйича олиб борилди. Ушбу транспорт артели томонидан ташилган юкларнинг 70% пахта хом ашёси, 10% қурилиш материаллари, 5% ҳунармандчилик маҳсулотлари, 14% дон маҳсулотлари (ўтин, ўрмон хўжалиги материаллари) ва бошқа юклар ташилган.

Ўша йилларда ҳунармандчилик артеллари ва корхоналар фаолиятини назорат қилиб, улардан солиқ ундириш туман молия бўлими (РайФО) ва шаҳар молия бўлим (ГорФО)лари зиммасига юклатилди. Сурхондарё округидаги барча ҳунармандчилик артеллари ягона марказга бирлаштирилиб, 1936 йилнинг апрель ойида кўп тармоқли ҳунармандчилик иттифоқи бош бошқармаси ташкил қилинди.

Воҳада ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида анъанавий улов воситалари анжомларини тайёрлаш йўлга қўйилди [7]. 1936 йилгача майда ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган от-аравалар воҳа аҳолисининг ижтимоий турмушида хизмат қилган. Ҳукумат томонидан воҳада махсус от-арава ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Транс-Ассобоз” ҳунармандчилик корхонаси ишга туширилди. Ўша йилнинг ўзида Жарқўрғон тумани ижроия қўмитаси қарорига асосан сартарошхона, ошхона, тикувчилик цехи, чилангарлик устахоналари, кулолчилик устахонаси ҳамда тамаки тайёрлаш шаҳобчалари ташкил қилинди [8]. Ушбу шахобчаларнинг барчаси совет ҳукумати томонидан артеллар деб аталган. 1936-1937 йилларда колхозларда ташкил қилинган қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ҳунармандчилик устахоналари артелларга бирлаштирилди [9]. Натижада Жарқўрғон туманига қарашли “Яшасин”, “Маданият”, “Ижтимоиёт”, “Социализм” ҳамда “Меҳнат-Роҳат” колхозларида қишлоқ хўжалигига ихтисослашган артеллар ташкил қилинди.

1937 йилда Сурхон воҳасида яна бир неча янги артеллар ўз ишини бошлади [10]. Жумладан, “Прогресс” артели ташкил этилиб, у маҳаллий аҳоли учун кийим-кечаклар тикиш ва этикдўзлик ишлари билан шуғулланган эди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, артелда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори аҳоли сонига нисбатан жуда кам бўлган, яъни талаб даражасида бўлмаган. Шу йилнинг дастлабки ойларида “Прогресс” артелининг этикдўзлик устахонасига 13 жуфт этик пойафзалига буюртма тушган. Ушбу буюртманинг таннархи 1187 сўмга тенг бўлиб, миқдорига нисбатан анча юқори баҳоланган. Майда пойафзал таъмири учун 53 жуфт буюртма қабул қилинган бўлиб, буюртманинг нархи 199 сўм деб баҳоланган. Аммо Сурхон воҳаси аҳолиси учун ушбу буюртмалар миқдори кам бўл-

ган, фикримизча, воҳа аҳолисининг бой қатлами ва совет ҳокимияти вакилларининг буюртмаси бўлган. Оддий деҳқонлар ва чорвадорлар эса қорамол териларидан “чориқ”, “мўкки” деб номланган пойафзалларни тикканлар ҳамда ундан фойдаланганлар.

Воҳада ўша йилларда тикувчилик цехлари ташкил этилиб, артелда тикилган кийим-кечаклар, асосан, европача услубда эди. Аҳолининг асосий қисми артелда тикилган шимларни деярли киймаган. Уларни фақатгина шаҳар аҳолиси ва амалдор кишилар харид қилган. Бундан ташқари эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари тикилган.

1940 йилдан кейин вилоят артелларида кутубхоналар ташкил қилина бошланди. Бундан мақсад, энг аввало, совет ҳукуматининг сиёсий ғояларини тарғиб қилиш ва вилоят ҳамда марказий газеталарни ўқишга йўналтириш эди. Шунингдек, ҳунармандчилик артеллари ҳузурида бошланғич мактаб ҳам ташкил қилиниб, унда ҳунармандлар ва уларнинг оила аъзолари ўқитилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 1925-1941 йилларда Сурхондарё вилояти иқтисодиётида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши устун бўлиб турди. Хусусий секторнинг мавжудлиги янги иқтисодий сиёсат шароитида майда хўжаликларнинг бирмунча ривожланишига туртки бўлди. Аммо совет ҳукумати кейинги йилларда анъанавий ҳунармандчиликнинг иқтисодий ҳаётда тутган ўрнини йўққа чиқаришга эришди. Мустақиллик шарофати билан асрлар давомида фойдаланиб келинган анъанавий ҳунармандчилик қайта тикланди, уни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.- Т.: Шарқ, 2000.- 687 б.
2. Қобилов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз: Жайхун , 1993. – 30 б.
3. Сурхондарё ВДА, 261-жағарма, 1-рўйхат, 38-иш, 17-варақ.
4. ЎзРМДА Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3493-иш, 5-варақ.
5. ЎзРМДА Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3625-иш, 75-варақ.
6. Сурхондарё ВДА, 322-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 2-варақ.
7. Сурхондарё ВДА, 5-жамғарма, 1-рўйхат, 100-иш, 1-варақ.
8. Сурхондарё ВДА, Жарқўрғон туман бўлими, 20-жамғарма, 1-рўйхат, 102-иш, 12- варақ.
9. Сурхондарё ВДА, Жарқўрғон туман бўлими, 20-жамғарма, 1-рўйхат, 102-иш, 305-варақ.
10.Сурхондарё ВДА, 5-жағарма, 1-рўйхат, 98-иш, 19-варақ.

Термиз давлат университети,
2015 йил 21 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Т.Шамсутдинов)